

Ҳамд уйи



11:33 / 07 июль 992

هُلِّلَا يَضَرَّ سَوْمٌ يَبْأَنَّعُ
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعُ ، هُنَّعُ
دَلَّوَتَامَ إِذَا لَاقَ مَلَّسَوِ هَيْلَعُ
هِتَكِيَّالْمَلُّ هَلِّلَا لَاقِ دُبَّعُ لَا
يَدُبَّعَ دَلَّو مُمْتَضَبَقُ
لُوقِيَّ فُ ، مَعَنَّ : نُولُوقِيَّ فُ
إِدَاؤُفَ رَمَثُ مُمْتَضَبَقُ

لُؤُقَيِّفُ ، مَعَنَ : نُولُؤُقَيِّفُ
: نُولُؤُقَيِّفُ ؟ يَدْبَعَلُاق اذَام
لُؤُقَيِّفُ ، عَجْرَتُ سَاوَا كَدِمَح
اَتَيِّبُ يَدْبَعَلُ اُونُبا : هَلْ لْا
تَيِّبُ هُوْمَسَوِة نَجْلَا يَف
ةَثَالُثْلَا هِدَه يَوْرِي دَمَحْلَا
يَدْمُرْتَلَا

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бир банданинг боласи ўлса, Аллоҳ фаришталарига:

«Бандамнинг боласини қабз қилдингизми?» дейди.

«Ҳа», дейдилар.

«Унинг дил мевасини қабз қилдингизми?» дейди.

«Ҳа», дейдилар.

«Бандам нима деди?» дейди.

«Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди», дейдилар.

Шунда Аллоҳ:

«Бандамга жаннатда бир уй бино қилинлар ва уни «Ҳамд уйи» деб номланлар», дейди».

Ушбу уч ҳадисни Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Фарзанднинг ўлими ота-она учун чексиз мусибат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки фарзанд ота-онанинг бир бўлаги, юрагининг парчаси, жигаргўшаси, кўз қувончи бўлади.

Шунинг учун ҳам фарзандининг ўлимига сабр қилган ота-оналарга катта ва улуғ мартабалар ваъда қилинган.

Булардан баъзи намуналарни юқорида келган ҳадиси шарифлардан ўргандик. Мусулмонлар ушбу таълимотларни ўзларига сингдириб олиб, ҳаётларига татбиқ қилганлар. Мусулмонлар фарзанд ўлимига сабр қилишнинг инсоният тарихидаги нодир намуналарини кўрсатганлар.

Биргина мисол келтирайлик:

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Абу Анаснинг олдида келиб:

«Бугун сен ёмон кўрган нарса ила келдим», деди.

«Сен доимо ҳузуримга анави аъробийнинг олдидан мен ёмон кўрган нарсани олиб келаверасан!» деди Абу Анас.

«У аъробий эди. Лекин Аллоҳ уни танлаб олиб, ихтиёр этиб, Пайғамбар қилди».

«Келтирган нарсанг нима?!»

«Ароқ ҳаром қилинди».

«Бу сен билан менинг ажрашишимиз», деди. Сўнгра мушрик ҳолда ўлиб кетди.

Сўнгра Абу Талҳа розияллоҳу анҳу Умму Сулаймнинг олдида келди. Умму Сулайм унга:

«Модомики мушрик экансан, сенга тегмайман», деди.

«Йўқ. Бу сенинг истагинг эмас».

«Менинг истагим нима?»

«Сенинг истагинг сариқ (олтин) билан оқ (кумуш)да».

«Албатта, мен гувоҳлик бераман ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам гувоҳ қиламанки, агар сен мусулмон бўлсанг, сенинг Исломинг туфайли розиман. Эй Анас, тур! Амакингни бошлаб бор!» деди Умму Сулайм.

У (Абу Талҳа) туриб, қўлини елкамга қўйди. Бориб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлашганимизда у зот бизнинг гапларимизни эшитдилар ва: «Мана, Абу Талҳа ҳузурингизга пешонасида Ислом нури порлаб келди!» дедилар. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди ва: «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу», деди.

Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом учун уни уйлаб қўйдилар. Аёли унга ўғил туғиб берди. Бола катта бўлиб, йўлга кирди. Отаси уни жуда ҳам яхши кўрар эди. Бир куни Аллоҳ таборака ва таоло болани қабз қилди.

Абу Талҳа келиб:

«Ўғлимнинг ҳоли қандай, эй Умму Сулайм?» деди.

«Жуда яхши. Тушлик қилиб олмайсанми? Бугун тушлигинг кеч қолиб кетди», деди ва унга таом тақдим қилиб туриб:

«Эй Абу Талҳа, бир қавм бошқасидан вақтинчаликка бир нарсани олиб турса, у уларда Аллоҳ хоҳлаганича қолса-да, кейин эгалари қайтариб олса, вақтинчалик олиб турганлар хафа бўлиши керакми?» деди.

«Йўқ», деди Абу Талҳа.

«Ўғлинг дунёни тарк этди», деди Умму Сулайм.

«Қани у?!»

«Ана, ётоқхонада».

У кириб, боланинг юзини очди ва истиржоъ айтди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, Умму Сулаймнинг гапини айтиб берди. Шунда у зот:

«Мени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, Аллоҳ бу кеча боласига сабр қилганлиги учун унинг раҳмига бир ўғил бола илқо қилди», дедилар...

У болани туғди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Анасга дедилар:

«Эй Анас, онангнинг олдига бориб, «Ўғлингнинг киндигини кесганингдан кейин унга ҳеч нарса егизмай туриб, менга юбор», дедилар, дегин».

У (онам) болани икки қўлимга қўйди. Мен уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтириб қўйдим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга учта ажва (хурмо) келтир», дедилар. Мен келтирдим. У зот уларнинг данагини олиб ташлаб, оғизларига солиб, чайнадилар ва боланинг оғзини очиб, солдилар, бола тамшана бошлади.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ансорий-да, хурмони яхши кўради!» дедилар. Сўнгра:

«Онангга бориб, «Аллоҳ сенга бундан барака берсин ва уни яхши ҳамда тақводор қилсин», деб айт», дедилар».

Имом ал-Баззор ривоят қилган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди